Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 24 сентябрь, жума

Сотувда эркин нархда
№ 190 (2228)

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

23 сентябрь куни Олий Мажлисда парламент аъзоларининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг талабалари ва ўқитувчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Очиқ, самимий вазият қизғин баҳс юритишга кўмаклашди. Унда ҳуқуқий давлатни шакллантириш, демократия ва парламентаризмни ривожлантиришнинг энг муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтилди. Учрашув қатнашчилари олдида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов, Олий Мажлис Котибияти Қўмиталар билан ишлаш бўлимининг мудири Б. Рустамов сўзга чиқдилар. Шу нарса таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарлари ва маърузаларида баён қилинган миллий тараққиёт, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамиятни қуриш ғояларига, тамойилларига амал қилмоқда.

Олий Мажлис жамиятни босқичма-босқич ривожлантириш стратегиясига амал қилиб, демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини изчиллик билан мустаҳкамлаб борди. Биринчи чақириқ мобайнида 10 та кодекс, 145 та қонун, жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларига тааллуқли 452 та қарор қабул қилинди. Учрашув қатнашчилари парламентнинг қонунларни қўлланиш амалиётини ўрганишга қаратилган назорат фаолиятидан хабардор этилди.

Олий Мажлиснинг тенг ҳуқуқли давлатлараро муносабатларни қонунчилик йўли билан таъминлашга, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, жаҳон ҳамжамияти билан ҳар тарафлама ҳамкорлик қилишга қаратилган парламентлараро фаолияти тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ёшларнинг жамиятда тутган ўрни, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳаммамиздан ҳушёрликни ва Ватанимиз тақдири учун жавобгарликни талаб қилувчи, Қирғизистоннинг Боткен туманидаги вазиятдан жиддий ташвишланиш изҳор этилди.

Сўзга чиққан университет ўқитувчилари ва талабалари Олий Мажлис депутатлари билан бундай учрашувлар, фикр алмашинувлар талабаларнинг ўқув материалини, мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий нормаларини чуқурроқ идрок этишларига, уларда қонунга нисбатан ҳурмат туйғусини тарбиялашга хизмат қилажагина таъкидладилар.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Спирт, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

***Спирт, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ғайриқонуний ишлаб чиқарилиши, улар контрабандаси ва айланиши ҳолларига барҳам бериш, бюджетга даромадлар тушумининг тўлиқлигини таъминлаш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Бош вазир Ў.Султонов ва Бош вазирнинг ўринбосари Б.Олимжонов томонидан "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" холдинг компанияси ҳамда спирт ва вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти устидан суст раҳбарлик қилинаётганлиги қайд этилсин.

Спирт ва вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг раҳбарлари, раҳбарларнинг ўринбосарлари, бош мутахассислар лавозимларини махсус маълумотга ва тегишли тайёргарликка эга бўлмаган шахслар эгаллаб туриши йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол, деб ҳисоблансин.

Қонун ҳужжатларини бузиш, спирт ва вино-ароқ маҳсулотларини ғайриқонуний ишлаб чиқариш ва сотиш ҳоллари давом этмоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига спирт ва вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга бириктирилган молия инспекторлари фаолияти устидан суст назорат қилинаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги молия инспекторлари фаолиятига ҳар чоракда баҳо берсин ҳамда молия инспекторларига бириктирилган корхоналарда аниқланган ҳар бир қонун бузилишини уларнинг эгаллаб турган лавозимига номувофиқлиги сифатида қарасин.

3. Спирт ва вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг раҳбарлари, раҳбарларнинг ўринбосарлари, бош мутахассислари (муҳандислар ва технологлар), бош бухгалтерларини аттестациядан ўтказиш бўйича махсус идоралараро комиссия тузилсин.

Комиссия бир ой муддатда ходимларнинг кўрсатиб ўтилган тоифаларини талабчанлик билан аттестациядан ўтказсин ҳамда уларнинг сафларини касбига яроқсиз шахслардан ва жиноятчи унсурлардан шафқатсиз тозаласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда спирт, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ғайриқонуний ишлаб чиқарилиши, келтирилиши ва сотилиши ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича режали ва мунтазам иш олиб борилишини таъминласинлар.

5. Қуйидагилар:

"Ўзкимёсаноат" уюшмаси ва "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" холдинг компанияси тизимига кирмайдиган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан спирт ишлаб чиқарилиши;

технология эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган техник спирт қайта сотилиши;

спиртнинг масъулиятли сақлашга топширилиши тақиқлансин.

6. Белгилансинки:

техник спирт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан "Ўздавстандарт" марказининг спиртдан фойдаланиш зарурияти ва технология эҳтиёжлари учун талаб қилинадиган спирт ҳажмини тасдиқловчи хулосаси бўйича фақат юридик шахсларга сотилади;

спиртни масъулиятли сақлашга топшириш даромадни яширишга тенглаштирилади ҳамда ишлаб чиқарувчи корхоналар раҳбарлари ушбу тартиб бузилиши учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

бартер битишувларида қатнашувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари вино-ароқ маҳсулотлари билан бартер операциялари ўтказганлиги учун қонун ҳужжатларида солиқ тўлашдан бош тортганлик учун назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар;

вино-ароқ маҳсулотлари билан бартер операцияларида қатнашувчи хўжалик юритувчи субъектларга солиқ органлари томонидан битишув суммасининг 100 фоизи миқдорида жарима солинади, у республика бюджети даромадига ўтказилади.

7. Белгилаб қўйилсинки:

сотиладиган алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари учун олдиндан ҳақ тўлаш миқдори контракт тузилган маҳсулотнинг бутун ҳажми учун акциз солиғи суммасини ўз ичига олиши керак;

алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар контракт тузилган маҳсулотнинг ҳақи тўланган ҳажмини ўз вақтида юклаб жўнатмаганлиги учун (маблағлар тушган кундан бошлаб 3 банк кунидан ортиқ) харидорга муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтида юклаб жўнатилмаган маҳсулот қийматининг 3 фоизи миқдорида айбона тўлайдилар.

8. "Ўздавстандарт" маркази тизимида ходимларнинг умумий сони доирасида Давлат инспекцияси ташкил этилсин ва унга алкоголли маҳсулотлар сифатини назорат қилиш вазифаси юклансин.

"Ўздавстандарт" маркази "Ўзкимёсаноат" уюшмаси ва "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" холдинг компанияси билан биргаликда Алкоголли маҳсулотлар сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси низомини ва тузилмасини ўн кун муддатда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси:

спирт, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши соҳасида ҳуқуқни бузишга йўл қўйган шахсларни ўз вақтида маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган чора-тадбирларга оғишмай риоя қилиниши устидан прокурор назоратини кучайтирсин;

спирт, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш, келтириш ва сотишни ташкил этишда юзага келаётган аҳволни ярим йиллик якунлари ва умуман йил якунлари бўйича мунтазам равишда таҳлил қилиб борсин ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 23 сентябрь.



**МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА**

*Самарқанд вилояти «Мева-сабзавот» бирлашмаси жамоаси хўжаликларда етиштирилган маҳсулотларни сифатли қайта ишлаш борасида кўнгилдагидек ишларни амалга оширяпти. Бирлашма хўжаликларда етиштириладиган 91 минг 200 тонна сабзавотнинг ярмини қайта ишлайди. 75 минг тонна узумнинг 60 минг тоннасидан Самарқанд винолари тайёрланади.*

*Яқинда «Самарқандконсерва» корхонаси ҳузурида чехлар билан ҳамкорликда турли чанқовбости ичимликлар тайёрлаш цехи ишга туширилди.*

**СУРАТДА: тайёр консерва маҳсулотларини қабул қилиб олувчи Назира Қодирова иш устида.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

**Дунёга элтар йўллар**

## МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган давлатлари босиб ўтган йўл, улар қандай омиллар эвазига бундай юксакликка эришганликлари кўпчиликни қизиқтириши табиий. Аслида жаҳон иқтисодий адабиётида бу саволларнинг тайёр жавоблари бор. Давлат юқори иқтисодий тараққиётга эришиши биринчи навбатда унда мавжуд табиий ва меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати, асосий капитал ҳажми, технология даражаси каби омилларга боғлиқ.

Бироқ жаҳоннинг энг илғор давлатлари, энг аввало, беқиёс ривожланиш даражаси билан ҳаммани ҳайратга солган Япония ва Германия тажрибаси бу фикрнинг ҳамиша тўғри бўлавермаслигидан далолат бермоқда. Юксак тараққиётга етишмоқ учун юқорида санаб ўтилган тўрт омил мавжудлигининг ўзигина етарли эмасга ўхшайди.

Табиий ресурсларга бой Бразилия, Мексика, Ҳиндистон каби давлатларнинг ўртамиёна ривожланиш даражаси ва, аксинча, мазкур ресурслари кам бўлган Япония ҳамда Германия "мўъжизаси" бунга гувоҳлик бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## 2000 йил ҳосилини етиштириш учун кузги-қишки агротехника тадбирларини маблағ билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

***2000 йил ҳосилини етиштириш учун 1999 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган кузги-қишки агротехника тадбирларини ўз вақтида маблағ билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йилги пахта хомашёси, бошоқли экинлар дони, шоли ҳосилини етиштириш учун 1999 йилда ўтказиладиган кузги-қишки агротехника тадбирларига аванс бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, кузги-қишки тадбирларга аванс бериш давлат ресурсларига харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми юзасидан:

бошоқли экинлар дони бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 августдаги 391-сон қарори билан белгиланган миқдорларда;

пахта хомашёси ва шоли бўйича — 1999 йил учун белгиланган давлат харидлари ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси, "Ўздавпахтасаноатсотиш" уюшмаси ва "Ўздонмаҳсулот" давлат-акционерлик корпорациясига Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзмевасабзавотузумсаноат -холдинг" холдинг компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги корхоналари билан 2000 йил ҳосили учун ушбу қарорнинг 2-бандида белгиланган ҳажмларда, 1999 йилги харид нархларидан келиб чиққан ҳолда, аванс бериш юзасидан контрактация шартномалари тузишни 1999 йил 15 октябргача таъминлаш вазифаси юклансин.

Белгилаб қўйилсинки, 2000 йил ҳосили юзасидан узил-кесил контрактация шартномалари 2000 йилнинг 1 чорагида пахта хомашёси етиштириш, шоли бўйича давлат харидлари ва уларнинг харид нархлари прогнози белгиланган тартибда тасдиқлангандан кейин тузилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси, жамғарманинг молия агентлари бўлган тижорат банклари, "Ўздавпахтасаноатсотиш" уюшмаси ва "Ўздонмаҳсулот" давлат-акционерлик корпорацияси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзагросуғурта" компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда хўжаликларда пахта хомашёси, бошоқли экинлар дони ва шоли етиштириш учун, янгидан тасдиқланган технология карталари бўйича харажатлардан ва хўжаликларнинг моддий-техника ресурслари лимитларидан келиб чиққан ҳолда тузилган шартномалар асосида аванс берилишини таъминласинлар.

5. Ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонасини ички хўжалик ҳисоб-китобининг ва харажатларни ҳисобга олиш чек тизимининг жорий этилиши бўйича аттестациядан ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ҳамда вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, туманларда эса — туман ҳокимлари бошчилигидаги ҳудудий комиссиялар тузсинлар, улар зиммасига амалдаги ички хўжалик иқтисодий механизмини пухта таҳлил қилиш ҳамда 1999 йил 1 ноябргача тижорат банкларига ички хўжалик ҳисоб-китобини ва харажатларни ҳисобга олишнинг чек тизимини жорий этишнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "1999 йилда пахта хомашёси ва бошоқли экинлар дони харид нархлари ва ички хўжалик иқтисодий механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1999 йил 15 майдаги 248-сон қарори талабларига мувофиқлиги ҳақида хулосалар тақдим этиш вазифасини юкласинлар.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармасининг молия агентлари бўлган тижорат банклари 1999 йил 1 ноябрдан бошлаб 2000 йил ҳосили учун аванс беришни фақат вилоятлар комиссияларининг қишлоқ хўжалиги корхоналарини ички хўжалик ҳисоб-китоб ва харажатларни ҳисобга олишнинг чек тизими жорий этилиши бўйича аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги ижобий хулосаси асосида амалга оширсинлар.

6. Харажатларни ҳисобга олишнинг чек тизимини ва ички хўжалик ҳисоб-китобини жорий қилмасдан харажатларни маблағ билан таъминлаш ҳоллари аниқланган тақдирда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мансабдор шахслари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси 2000 йилда пахта хомашёси, бошоқли экинлар дони ва шоли етиштириш учун 1999 йилда ўтказиладиган кузги-қишки агротехника тадбирлари учун аванс беришга ажратиладиган маблағлардан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланилиши юзасидан ялпи ва танлаб текширишларни мунтазам равишда ўтказсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б.Ҳамидов ва Б.Олимжонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 23 сентябрь.

## НАРКОБИЗНЕС — ТЕРРОРНИНГ МОЛИЯВИЙ РАҲНАМОСИ

**Қирғизистоннинг Боткен туманидаги вазият ҳамон кескинлигича турибди. Кейинги пайтда ҳукумат қўшинлари ва жангарилар ўртасидаги тўқнашувлар кучайди. Ҳар икки томондан ҳам қурбонлар бор. Оммавий ахборот воситалари жангарилар ортида хорижий давлатлардаги экстремистик кучлар тургани ҳақида хабарлар эълон қилди. Лекин вазиятга чуқурроқ назар ташланса, террорчиларнинг маънавий раҳнамолари экстремистик кучлар бўлса, молиявий дастаги наркобизнес экани ойдинлашади.**

Боткенда танглик уюштириш орқали айрим қора кучлар бир ўқ билан икки қуённи уришни ўйлаган бўлса, ажаб эмас. Бу ғаразли мақсадларнинг биринчиси минтақамиз давлатларида конституциявий тузумни ағдариш бўлса, иккинчиси наркобизнес учун янгидан-янги йўналишлар очишдир.

Гапни бир бошдан бошласак. Боткендаги террорчиларнинг Бирлашган тожик мухолифати, "Толибон" ҳаракати билан узвий алоқада эканлиги яқинда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида ўз тасдиғини топди. "Толибон" ўз фаолиятини, асосан, наркобизнесдан келадиган даромад ҳисобига маблағ билан таъминлайди. Бундан Тожикистондаги қуролли гуруҳлар ҳам четда қолаётгани йўқ. Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича халқаро ташкилотлар, шунингдек, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг маълумотларида қайд этилишича, Афғонистонда етиштириладиган жами оғуннинг 90-95 фоизи "Толибон" назорати остидаги ҳудудларга тўғри келади. Толиблар бу соҳани, ҳатто қонунийлаштириб қўйган. Буни гиёҳвандлик моддаларига жорий қилинган учта солиқ тасдиқлайди. Яъни, уни етиштирувчи деҳқон ҳам, хомашёдан тайёр маҳсулот тайёрлайдиган "лабораториялар" ҳам ва ниҳоят, контрабанда билан шуғулланувчилар ҳам "Толибон" ҳукуматига солиқ тўлайди.

Айтиш керакки, толиблар жамоатчилик фикрини чалғитиш учун хорижлик журналистлар олдида бир неча килограмм оғуни ёқиб юборади. Бундай саҳналардан кейин наркобизнесга алоқаси йўқлигини баралла айтади. Уларнинг мамлакат ичидаги сиёсатида эса, шариат "динсизлар" ёки "кофирлар"нинг зарари учун наркотик модда сотишга йўл қўяди, деган ақида ётади.

Энди масаланинг бошқа томонига эътибор қаратсак. Ўтган йили турли сабабларга кўра Афғонистонда ҳосил яхши бўлмади. Лекин шунга қарамай, мамлакатда катта миқдордаги наркотик модда сотилмай қолиб кетди. Кузатувчилар бунинг биринчи сабабини Эрон ҳукумати томонидан Афғонистонга чегарадош ҳудудларда назорат кучайтирилганлиги билан изоҳламоқда. Натижада 1998 йилда килограмми 600-800 АҚШ долларида баҳоланаётган гиёҳвандлик моддасининг нархи бу йил 200 долларга тушиб қолди. Бу, табиийки, катта зарар, деган гап.

Вазиятни қандай ўнглаш мумкин? Марказий Осиё орқали транзит ҳажмини ошириш керак. Тожикистондаги беқарорлик бунинг учун жуда қўл келиб турибди. Лекин бу кам. Ўзбекистон-чи? Йўқ, бу мамлакатда назорат жуда кучли. Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари йилига тонналаб транзит юкларни ушлайди. Масалан, шу йилнинг биринчи ярмида 1,5 тонна гиёҳвандлик моддалари фош этилди. Демак, ечимни Қирғизистоннинг назорат нисбатан паст, ҳукумат қўшинларининг дасти доим етавермайдиган ҳудудларидан излаш керак... Боткендаги воқеалар сценарийси шу тахлит ёзилган бўлса ажаб эмас.

Ҳозирги пайтда Афғонистон иқтисодиётида давлатни суяб турадиган бирор тармоқ йўқ. Қарийб йигирма йиллик уруш уларни тамомила барбод қилган. Бирлашган тожик мухолифати ҳам ниманинг эвазига қурол-яроғ, замонавий ҳарбий техника ва алоқа воситаларига эга бўлаётгани, қандай қилиб террорчиларни қўшни давлатларга чиқариб юбориб, уларни барча зарур ашёлар билан таъминлаб тургани, қолаверса, катта ҳақ тўлаётгани кишини ўйлантирмай қолмайди. Лекин вазиятнинг таҳлили бунинг жавобини шундоқ ойдинлатиб турибди. Бундай катта харажатларнинг барчасини фақат наркобизнес ёрдамидагина қоплаш мумкин. "Толибон"нинг бу соҳани қонунийлаштириб олгани ҳақида юқорида тўхталгандик. Афсуски, Тожикистондаги ҳукуматга бўйсунмаётган қуролли гуруҳлар ҳам ана шу соҳа орқали кун кўради.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқади. Бирлашган тожик мухолифати мамлакатда парламент ва президент сайловлари ўтгунга қадар ўз жангариларини Боткенда сақлашга қарор қилади. "Толибон" эса наркотик моддалари ташиладиган янги йўналиш очиш, қолаверса, ўз таъсир доирасини кенгайтириш учун уни қўллаб-қувватлайди. Ниқоб вазифасини ўтовчи мақсадлар асосан дин устига қурилади. Бу борада томонларнинг қарашлари ҳам бир хил. Ҳокимиятпарастлик ва бошқа сиёсий найрангбозликлар уюштириш устига қурилган асл мақсад эса панада қолади. Режани юқоридагилар белгилайди, ижрони эса алданганлар, адашганлар ёки дордан қочганлар бажаради. Боткендаги террорчиларнинг ҳаммаси шу уч тоифадан бирига мансуб эканлигига шубҳа йўқ.

Маълумотларга қараганда, Боткендаги террорчилар жангга киришдан аввал, албатта, гиёҳвандлик моддасидан истеъмол қилади. Бу шижоатни кучайтирибгина қолмай, жангарини раҳмшафқатсиз, қилаётган ишининг мазмун-моҳиятини билмайдиган манқуртга айлантириб қўяди. Шифокорларнинг айтишича, наркоманияни даволаш жуда қийин, кўп ҳолларда мумкин эмас. Унинг домига тушган киши узоғи билан 4-5 йил яшайди. Боткендаги террорчилар буни билмайди. Бундан уларнинг раҳнамоларигина воқиф. Лекин бу раҳнамоларнинг ўзлари наркотик модда истеъмол қилмайди. Мана шунинг ўзиёқ юқоридаги фикрларни тасдиқлаш учун етарли бўлса керак.

Аммо, нима бўлганда ҳам, террорга молиявий раҳнамолик қилаётган наркобизнеснинг ҳам, жангариларга маънавий дастак бераётган экстремистик кучларнинг ҳам режалари барбод бўлиши аниқ. Чунки ҳозир Қирғизистон Қуролли кучларининг Боткендаги истеҳкомлари мустаҳкамланган, босқинчи жангариларга қарши курашда минтақамиздаги беш давлат, шунингдек, Россиянинг тегишли идоралари ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган. Қуршовда қолган террорчиларга сичқоннинг ини минг танга бўлмоқда.

**Анвар БОБОЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муаммонинг ечими, менимча, бошқа жойда. Юқорида қайд этилган тўрт омил бўйича жаннатмакон юртимиз жаҳоннинг энг бой давлатлари билан беллаша оладиган даражада эканлиги ҳеч кимга сир эмас. **Лекин юксак тараққиётга эришиш учун зарур яна бир омил бор. Бу жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсади, бош ғояси, халқнинг бу масалани қай даражада англаши, Ватан тараққиёти билан ғурурланиши ва қўйилган мақсадга эришиш йўлида фидокорлик кўрсата олиши билан боғлиқ.**

Ўзбекистон ўз олдига буюк мақсад — жаҳоннинг энг илғор давлатлари даражасидаги иқтисодий тараққиёт ва турмуш тарзига етиш вазифасини қўйган. Барча саъй-ҳаракатларимиз шу бош мақсадга йўналтирилган. Лекин бу интилиш умуммиллий ҳаракатга, ўзбек халқининг миллий ғурур-шаънига айланиши учун етарлими? Гап шу ҳақида. Яъни миллий ғурур ва унинг иқтисодий тараққиётга эришиш жараёнида тутган ўрни борасида сўз юритилмоқда.

Умуман олганда, жаҳон иқтисодий адабиётида миллий ғурур ва иқтисодий тараққиёт тушунчаларининг ўзаро муносабати, бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги муайян даражада ўрганилган мавзу. Бизда-чи, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Юртимиз иқтисодий адабиёти учун ҳам бу бутунлай бегона мавзу эмас. Энг аввало, у Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакат иқтисодий муаммоларига бағишланган асарларида ўз ифодасини топган. Масалан, келажаги буюк жамият барпо этиш жараёнида халқнинг бир тан-бир жон бўлиб ҳаракат қилиши, эзгу мақсадга етиш учун интилиш ҳар бир фуқаронинг шаъни, ғурурига айланиши ғоялари Юртбошимиз асарлари ва нутқларида атрофлича ёритилган.

Бироқ иқтисодчиларимизнинг асосий қисми бу мавзуни чуқур таҳлил эта олганларича йўқ. Мазкур мавзудаги телекўрсатувлар ва таҳлилий-публицистик мақолалар ҳам етарли эмас.

Ҳолбуки, иқтисодий тараққиётга эришиш жараёнида юксак миллий ғурур мавжудлигининг аҳамияти ғоятда катта. Шу ўринда яна тараққий этган давлатлар ҳаётига бир назар солсак фойдадан ҳоли бўлмайди.

Тарихдан маълумки, деярли бир хил сиёсий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга давлатларнинг айримлари бугун юксак тараққиёт даражасига эга, бошқалари эса орқада қолиб кетмоқда. АҚШ, Япония, Германия, Англия, Франция каби қатор давлатларни биринчи гуруҳга қўшса бўлади.

Мустақиллик шарофати билан мазкур давлатларни минглаб юртдошларимиз кўриб келишмоқда. Германияга борсанг,

## Дунёга элтар йўллар

# МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

дунёнинг энг сифатли, энг фойдали, энг арзон, қисқаси, деҳқонча айтганда, энг зўр маҳсулоти фақат уларда чиқади. Денгиздан ошиб ўтиб, Англияга йўлинг тушса — яна шу аҳвол. Инглизлардан бошқа биров гўё яхшироқ маҳсулот чиқара олмайди. Қолган илғор давлатларда ҳам худди шу ҳодиса. Мамлакат раҳбаридан тортиб оддий фуқарогача ўз юртининг маҳсулотини, ўз юртининг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўяди. Бу нимани англатади?

Немис ёки инглиз биладики, у ўз юрти маҳсулотини истеъмол қилса, бу билан мамлакати иқтисодиёти ривожланишига туртки беради. Пировард натижада мамлакат халқининг турмуш даражаси ошиши учун шунча кўп иқтисодий имконият пайдо бўлади. Мана, кўряпсизми, ўз юртининг маҳсулотини истеъмол қилишнинг иқтисодий илдизи, замини нимада?

Тўғри, мен ҳатто сифати паст бўлса ҳам фақат ўз маҳсулотимиздан қолмайлик, демоқчи эмасман. Йўқ. Лекин ўзимизда мавжуд маҳсулотлар турганда хорижникига интилавериш, менимча, миллий ғуруримизга тўғри келмайди. Масалан, 30-40 минг АҚШ доллари турадиган “Мерседес” русумли автомашина сотиб олган “янги ўзбек” бир ўйлаб кўрсин. У ўз хариди билан немис иқтисодиёти ривожига бир туртки берди, ўша юртда қўшимча иш жойи яратишга молиявий асос яратди.

Жаноб “янги ўзбек” ўзимизнинг “Нексия”ни минса-ю, қолган пулини янги корхона қуриш ёки эскисини қайта жиҳозлашга сарфласа қандай қарайсиз? Миллий ғурурнинг бир кўриниши шу эмасми? Таассуфки, бундай мисоллар бошқа масалаларда ҳам учраб туради.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида дунёнинг ҳеч бир миллати ўзбек билан бир масалада мутлақо тенглаша олмайди. Гап миллатнинг лидери шахси ҳақида кетмоқда.

Президентимизнинг иқтисодий тафаккур ва мушоҳада қуввати, иқтисодий фикр-мулоҳазаларидаги изчиллик, яхлитлик, барқарорлик ва доимий ривожланиш оҳанглари кишини лол қолдиради. Академик И.Каримовнинг Президентлик йилларида ёзган асарлари ва нутқлари мазмунига бир эътибор беринг. 1992 йилда чоп этилган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат”, 1993 йилда эълон қилинган “Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари”, “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” асарларидаёқ баркамол, ривожланган давлат барпо этиш бўйича бутунлай янги ва замонавий назария яратганлиги маълум бўлади.

Кечагина ўн беш иттифоқдош республика, 1992 йил бошига келиб эса ҳаммаси расман мустақил давлат бўлиб қолган давлатлар бошлиқларининг аксарияти эртага нима бўлиши ҳақида ўйлаш у ёқда турсин, кундалик ташвишлардан боши чиқмай турган бир паллада, яъни 1992 йили И.Каримов ўз мамлакати истиқболини яққол кўра олди: **“Барқарор бозор иқтисодиёти очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак”.** Бошқа давлатлар раҳбарлари бундай фикрга келиши учун яна 3-4 йил ва хорижлик кўмакчиларнинг жуда кўп ёрдами керак бўлди... Айримлари эса ҳозиргача ўзларига мос тараққиёт йўлини топа олишмаяпти.

Ҳамдўстликка кирувчи ўн икки давлатдан фақат биттаси — Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йили эълон қилган иқтисодий ғоя, мақсад ва мустақил иқтисодиёт барпо этишнинг устувор йўналишларига содиқ қолиб, уларни оғишмай, изчиллик билан амалга ошириб келмоқда.

Қолганларда-чи? Уларнинг айримларида бир йилда икки-уч мартадан ҳам ҳукумат алмашиши кузатилмоқда. Барқарорлик, изчиллик йўқ. Янги келган ҳукумат ўз фаолиятини олдинги ҳукумат “хатоларини” қидириб топиш ва улар ҳақида жумлаи жаҳонга аюҳаннос солишдан бошлайди. Ҳар янги ҳукумат иқтисодий ислоҳотларнинг янги назариясини “яратади”. Ўйлаб кўринг, ҳар йили ҳукумат алмашаверса, ҳар бири олдингиси ишини инкор этаверса, жамият қачон ривожланади? Пировард мақсад, ғоя қаёқда қолади?

Албатта, бу ҳодисаларнинг илдизлари жуда чуқур ва улар ҳақида фикр юритиш бу мақола вазифасига кирмайди. Лекин шу ўринда бундай бошбошдоқликларга сабаб бўлган омиллардан бири ҳақида гапириб ўтиш ўринли бўлур эди. Мамлакат раҳбарияти, ҳукумати ҳар қанча юксак салоҳиятли ва профессионал бўлса-да, миллати учун фидокорона ишлашга, жонини ҳам тикишга тайёр, ўз юрти манфаатига хизмат қилишни ўзининг ғурури деб билувчи бўлмаса, қолган ҳамма ҳаракатлар бекор. **Худди шу масалада Парвардигор ғурури баланд ўзбекнинг ғурурини яна бир бор кўтариб, унга ғурури баланд раҳбар ато этди.** Бу ўринда мен наинки халқимиз, балки жаҳон жамоатчилиги ҳам ортиқча изоҳсиз аллақачон моҳиятини англаб олган ҳақиқатни яна бир бор қайтардим, холос.

Дарҳақиқат ўзбек қадим-қадимдан ўз юрти, миллати, Ватани ғурурини, ор-номусини дунёнинг барча неъматларидан устун қўйган халқ бўлган. Бугун ҳам шундай дегинг келади-ю, лекин айрим ҳодисалар сени анчагина ўйлантириб қўяди...

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида баркамол жамият барпо этиш моҳиятини теран тушунадиган ва тўғри амалга ошира оладиган, фидойи, юксак касб салоҳиятига эга, замонавий билимларни эгаллаган ва миллий ғурури баланд бошқарувчилар қатлами шаклланди. Менимча, кадрлар тайёрлашнинг ўзбекча мактабини ўтаган ва ҳатто қуйироқ лавозимларда ишлаётган кўплаб мутахассисларимиз Ҳамдўстлик давлатларининг аксариятида ўнлаб баравар “юки оғирроқ”, яъни масъулиятлироқ ўринларда ҳам бемалол ишлай олишади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Лекин шоли курмаксиз бўлмаганидек, амалдорлар ҳам ҳар хил бўлади. Уларнинг ичида айрим нопок, миллий ғурури паст, лавозимни халқига, юртига хизмат қилиш эмас, балки шахсий манфаатларини қондириш воситаси, деб биладиганлари ҳам учраб туради. Юртбошимизнинг хориждаги чиқишларини кўриб, минглаб тадбиркорлар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш истагида юртимизга ташриф буюришмоқда. Лекин ўша хорижлик сармоядор кирган идорамизда ўтирган кичик бир амалдорчамиз нопок бўлса-чи? У олдига кирган ҳар бир ажнабийнинг пешонасида фақат доллар кўрса-чи?

Миллий ғурури йўқ қатламлардан яна бирини турли ақидапарастлар ташкил этади. Айни кунларда Қирғизистон жанубида юз бераётган хунрезликларни амалга ошираётган халқаро террорчилар сафида иштирок этаётган, миллатимизга мансуб мутаассибларда она-Ватан, унинг равнақи тушунчаси бормикан?! Булар мамлакатимиз иқтисодий ривожининг асосий душманларидан бирига айланиб боришмоқда. Негаки, шу ватанфурушлар туфайли халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун сарфлаш мумкин бўлган маблағларимиз осойишта ҳаётни таъминлаш, чегараларни мустаҳкамлаш учун ажратилмоқда.

Муаллиф юқорида тилга олган эпизодлар мамлакатимиз фуқароларининг буюк келажак сари мардона юришида баъзан учраб турадиган ноxуш ҳодисалар эканлиги кўпчиликка маълум. Катта карвон йўлга чиқди. Халқимизда ойдин манзилларга етиб олиш учун барча воситалар мавжуд. Биргина мисол. Мустақиллик байрами арафасида юртимизнинг ўнлаб шаҳар-қишлоқларида, унинг энг олис туманларида қатор академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фойдаланишга топширилди. Фақат мустақиллик ва шу даврда яратилган иқтисодий салоҳият ўта қисқа муддатларда, лекин энг замонавий лойиҳалар асосида мазкур таълим масканларини барпо этиш ва жиҳозлаш имкониятини берди. Айрим давлатларда янги мактаб қуриш у ёқда турсин, нураб, тўкилиб бораётган эскисини таъмирлашга имкон топа олишмаётган бир паллада юз бераётган бу ҳодиса ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ўзбек модели ҳаётбахш эканлигининг ёрқин бир намунаси эмасми?

Ҳамдўстлик давлатларида қиёси йўқ, жаҳоннинг энг илғор давлатлари андозаларига мос **академик-лицей ва касб-ҳунар коллежларимиз толиблари ичидан XXI аср навоийлари, хоразмийлари, фарғонийлари, улуғбеклари ўсиб чиқиши муқаррар.** Негаки, бу ўқув юртлари буюк ўтмишу келажагимизга, юксак миллий ғууримизга мос келадиган ва баркамол давлат қуриш тарихимизда фавқулодда аҳамиятга эга ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ҳисобланади.

Лекин буюк келажакка тезроқ етмоқ учун, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугун биз эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улуғ зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихорини тиклаган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаб, XXI асрга дадил қадам қўяётган буюк халқ эканлигимизни ҳар биримиз ҳар доим, ҳар нафас ёдимизда тутмоғимиз ҳам фарз, ҳам қарз. Негаки, буюк орзуларга етишмоқ учун ҳали жуда кўп меҳнат қилишимиз, кўп-кўп тўсиқ ва ғояларни енгиб ўтишимизга тўғри келади. Бундай мақсадларга етиш учун барчамиз бутун борлиғимизни, Оллоҳ берган ақл-заковатимизни, куч-қудратимизни давлатимиз, миллатимиз манфаати учун, халқимизнинг фаровон ҳаёти, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш учун сафарбар этишимиз керак бўлади.

Беқиёс миллий ғурур асосида шаклланган умумхалқ ҳаракати эса юксак иқтисодий тараққиётга олиб келиши муқаррар эканлиги Ўзбекистоннинг бугун эришаётган ютуқларида яна бир карра намоён бўлмоқда!

**Одил ОЛИМЖОНОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**

# МУСТАҚИЛ НОМЗОДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ ТУЗИЛДИ

***Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлиги ва Олий Мажлис депутатлигига сайловлар қизғин паллага кирди. Сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимлик органлари ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари номзодлари ўртасида том маънодаги сайлов кураши бошланди. Шу мақсадда жойларда сайловолди йиғилишлари, учрашувлар бўлиб ўтмоқда.***

Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасида бўлиб ўтган шундай йиғилишда жамоат ташкилотлари, ташаббускор гуруҳлар вакиллари, маҳалла кенгашларининг раислари ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари. Тошкент шаҳар туманлари ҳокимликлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 22-1- моддасида мамлакатимизнинг сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкинлиги кўрсатилган. Шунга кўра, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг вакили гуруҳни рўйхатга олишни сўраб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Худди шундай ҳуқуқ фуқароларга вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари кенгашларига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш учун ҳам берилган.

Ушбу ҳуқуқни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази тузилди. У нодавлат, нотижорат ташкилот ҳисобланади. Марказ ўз фаолиятини бутун республика бўйича олиб боради. Низомга мувофиқ, унинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, вилоят, шаҳар ва туманлар халқ депутатлари кенгашларига бўладиган сайловларда фуқаролар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатиладиган мустақил номзодларга ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашишдан иборатдир.

Мажлисда Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш марказининг бошқарув таркиби тузилди. Унинг раиси этиб ҳуқуқшунослик фанлари доктори А.Саидов сайланди.

**(ЎзА)**

# “ҚИРМИЗИ ДОН” ХИРМОН-ХИРМОН



*Музробод туманидаги мавжуд 34 минг гектар экин майдонининг 4800 гектарига шоли экилади. Туманнинг «Бешқўтон» ва Ат-Термизий номли хўжаликлари, асосан, шоли экишга ихтисослаштирилган. Жорий йилда “Бешқўтон” ширкат хўжалиги шоликорлари 2345 гектар майдонга шоли экишган эди. Ҳозир бу ерда ўрим бошлаб юборилди. Бу йил бешқўтонлик шоликорларнинг нияти катта. Улар шоли майдонининг ҳар бир гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариб, 7035 тонна шоли олишни ва шундан 4300 тоннасини давлатга сотишни режалаштирганлар.*

*Ҳозир хўжаликнинг шоли майдонларида 23 та “Кейс” ва 15 та “Енисей” комбайнларидан унумли фойдаланилмоқда. Бу ўрим агрегатлари эса кунига 150-180 тоннадан шоли ўрмоқда. Шу кунга қадар шоли тозалаш заводига 550 тонна ҳосил топширилди.*

**СУРАТЛАРДА: звено бошлиғи Худойқул Ҳақбердиев, бригадир Ўрозгул Тожиева ва қабул пункти ҳисобчиси Қурбон Исмоилов.**

**Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# АЛДАНГАНЛАР ВА МАҲКУМЛАР

“Жангарилар лагерида бир йилдан кўпроқ бўлдим. У ерда ҳаёт ва тартиб қўрқиш асосига қурилган. Ўша яқин ўтмишимни ҳозир эсласам, қўрқув ва тушкунликда яшаганлигимни англайман. У ерда ўтган кунларимни тасвирлашим қийин. Ҳар куни жисмоний тайёргарлик, ислом дини бўйича мураббий таълими (буни даъват аташади), ҳарбий тайёргарлик, бошқа ишлар. Гўё ташқи дунё билан алоқа узилган жойда яшаётганга ўхшайсан, ташқаридан ҳеч қандай хабар келмайди. Бу ерда девор йўқ, лекин тутқун каби кун кўрасан, чунки лагерга ипсиз боғлаб қўйилгансан: кетиш мумкин эмас — пастга тушадиган бирдан-бир йўлга постлар қўйилган, ҳужжат йўқ, пул йўқ, харита ҳам йўқ. Харита бўлмагач, тоғда адашиб қолиш ҳеч гап эмас. Ҳар куни шу аҳвол...

Лагерда диний таълимни ва ҳарбий тайёргарликни яхши ўзлаштирмаганлар жазоланади. Кимки шубҳаланса, бу ердан кетмоқчи бўлса — соткин ҳисобланади. Соткинлар эса бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам жазоланади — бу гаплар кун сайин қулоққа қуйиб турилади. Машғулот чоғида мунозарага йўл қўйилмайди — ҳар қандай шубҳага Оллоҳ номи билан чек қўйилади: “Бу Оллоҳнинг иродаси”, “Оллоҳ бизга мадад беради”, “Оллоҳнинг инояти”, “Ҳаммаси Оллоҳга маълум”, дейишади. Саволлар ёки норозиликка Оллоҳ ва Пайғамбар номи билан чек қўйишади. Лекин бу гаплардан сўнг қалбингда тош пайдо бўлади. Чунки шубҳалар қолаверади, келажак эса мавҳум ва ишончсиз, умидсиз дунё бўлиб кўринади.

Биринчи марта мазкур лагерга кирганимда, атрофдаги гўзалликни кўриб мафтун бўлдим. Лекин бир-икки ҳафта ўтгандан сўнг ҳамма нарса мунгли ва хунук кўрина бошлади”. Бу жангариларнинг Тожикистондаги лагерида узоқ вақт бўлиб келган урганчлик 23 яшар йигит (уни Азимбек деб атайлик) гапларидан бир парча, холос.

Ўзбекистон Президенти томонидан 1999 йилнинг март ойида алданиб, исломпарастларнинг сафига ёшларни ёлловчилар қармоғига илинган ёки ислом ҳаракатига ўз ихтиёри билан қўшилган, аммо хато қилганини тушуниб, тинч ҳаётга қайтишни истаганлар кечирилиши эълон қилингандан сўнг, Азимбек ва унга ўхшаш йигитларнинг уйга қайтишлари мумкин бўлди. Президентнинг баёноти Тожикистонда, Афғонистонда ва Чеченистондаги жангариларнинг ҳарбий лагерларидаги йигитларга ҳам қаратилган эди.

Ўзбек йигитлари жангариларнинг ҳарбий лагерларига қандай қилиб бориб қолишди? Тожикистондан қайтиб келган урганчлик йигитлар билан 1999 йилнинг июлида учрашганимда, улар шу ҳақда сўзлаб беришди.

“Мен 1998 йилда Тошкентдаги университетга киришга уриндим, лекин имтиҳондан йиқилдим. Бозорда ўрта ёшлардаги Абдулҳақ исмли одам билан танишиб қолдим. У менга Тошкентда қурилаётган кичик бир масжидда бирга ишлашни таклиф қилди. Уйга қайтиб кетишга уялганим сабабли рози бўлдим. Биз бир ойча ишладик. Масжид қурилаётган жойдаги ҳовлида яшадик, оқшомлари ҳаёт тўғрисида, турмушда учрайдиган қийинчиликлар, адолатсизликлар ҳақида гаплашдик. Бригададаги одамлар тақводор эди, намоз ўқишар, бир-бирини ҳурмат қилишар, меҳрибонлик кўрсатишарди. Улар менга ёқиб қолишди. Ҳақиқий дўстларимни топдим, деб ўйладим. Улар фақат эътиқодгина кишининг ҳаётини яхшилайди, чунки дин орқали одамларнинг ўзлари руҳан тозаланади, яқинлари тўғрисида ғамхўрлик қилишади, дер эдилар. Менда дин аҳкомларини ўрганиш ҳисси пайдо бўлди. Бунгача мен билан ҳеч ким бу ҳақда гаплашмаган эди. Ўзимни мусулмон деб ҳисобласам ҳам, намоз ўқишни билмасдим. Аммо исломнинг нима эканлигини, исломий яшаш қандай бўлишини билмас эдим. Ҳаёт хусусида жуда кўп саволларим бор эди, бу саволларга ислом қандай жавоб беришига қизиқдим. Шу сабабли иш тугагандан сўнг ҳам янги дўстларим билан алоқани узгим келмади. Улар ҳам, агар иш топилса ёки мени исломга ўқитиш учун жойлаштириш имконияти пайдо бўлса, сени ўзимиз топамиз, дейишди. Мен уларга турадиган жойимни ва телефонимни маълум қилдим.

Бир ярим ойдан сўнг улар менга қўнғироқ қилишди. Отамга Тошкентда иш бор экан дедим. Бундан отам хурсанд бўлди. Тошкентга келганимда мен исломни ўрганиш учун боришимни айтишди, лекин бу “омонат”, ҳеч кимга айта кўрма, деб огоҳлантиришди.

Мен билан яна тўрт йигит Абдулҳақ ҳамроҳлигида автобусда йўлга чиқдик, сўнгра пиёда юрдик, дарёдан ўтиб, яйловга чиқдик. Қандайдир тожик қишлоғида икки кун меҳмон бўлдик, уй эгаси ўзбек адабий тилида гаплашар эди. У эътиқодли, ислом динини яхши биладиган олим одам эди. Уй эгаси ҳузурига бир йигит келди, у тожикча гапирар эди. Уни бизга йўл кўрсатувчи деб таништиришди. Бизни таълим оладиган жойимизга бошлаб бориши керак экан. Уч кечаю, уч кундуз тоғ даралари орқалаб йўл юрдик, довон ошдик, қирғиз чўпонларининг қора уйларида тунадик. Сўнгра Хоит қишлоғи жойлашган тоғ ён бағрига келдик. Жангариларнинг асосий лагери шу ерда жойлашган экан, буни кейинроқ билдим”.

Бошқа йигит (уни Олим деб атайлик) — у ҳам 23 ёшда — шунга ўхшаш воқеани сўзлаб берди. Уни Урганчда Тошкентдан келган бир киши излаб топиб, дўстинг Тошкентда яхши иш топди, сени ҳам чақиряпти, деган. Олим хурсанд бўлиб кетган, чунки анча вақтдан буён ишсиз, у ишлаб турган ошхона ёпилиб қолган эди. Олим янги таниши билан Тошкентга келади, лекин ошнасини топа олмайди. Унга дўстинг катта бригадага қўшилиб бошқа жойга кетган, ҳозир таъмирлаш ишлари билан банд, деб жавоб қилишган. Тошкентда икки ҳафта тургандан сўнг, янги таниши уни яна икки йигит билан гўёки дўсти ишлаётган жойга олиб кетган. Аммо Олимга, ота-онангга хабар қилиб ўтирма, бир ойдан сўнг қайтиб келамиз, деб тайинлашган. Шундан сўнг олдинги йигит айтгани каби, Олим ҳам Тожикистонга йўл олган.

Учинчи собиқ жангари ҳам урганчлик, лекин унинг ёши 26 да, оилалик, ўзининг кичик устахонасида ишлаган, олти йил муқаддам намоз ўқишни ўрганган, масжидга мунтазам қатнай бошлаган. “Одатда масжидга таниш одамлар боради, бироқ бир куни нотаниш киши келиб қолди, у билан гаплашиб қолдим. У мендан ҳаётим қандайлигини, қанча пул топишимни сўради, бундай арзимас иш ҳақи билан оилани боқиш қийин эмасми, деб қизиқсинди. Эртасига устахонамга келиб, менга Тошкентга боришни таклиф қилди, янги масжид қурилишида ишлаш учун асбобларингни ҳам олиб кет, деб маслаҳат берди.

Бир неча кишини бирга олиб кетишинг мумкин, иш кўп бўлади, деди”. Бу йигитлар ҳам Тошкентдан жангарилар лагерига тушиб қолди. Тошкентда уларни Тожикистонга жўнатиш учун ёллашди. Қодир ва унинг дўсти лагерда бир йилдан кўп вақт бўлди.

Ёлловчилар Ўзбекистоннинг барча минтақаларидан йигитларни тўплаб, улардан тўрт-беш кишилик гуруҳлар тузиб, чегаранинг пост қўйилмаган участкалари орқали Тожикистонга олиб ўтишарди. Ҳар бир йигитнинг гапларида ўхшаш томонлари бор: Ўзбекистон ҳудудида автобуслар орқали маълум жойгача борилади, пиёда чегарадан ўтилади, ишончли шахсларнинг уйларида тунашади, бу шахслар уларни тоғ орқали олиб ўтиш учун йўл кўрсатувчига топширади, йўл кўрсатувчилар йигитларни Тожикистон Бирлашган мухолифати назорат қилиб турган зонадаги Хоит лагерига олиб боради.

Олим жангарилар лагеридаги ҳаёт ҳақида бундай ҳикоя қилади: «Бизни меҳмонларни кутгандай яхши кутиб олишди. Хоитда бир ҳафтадан кўпроқ дам олдик. Йўл кўрсатувчи уч кундан сўнг қайтиб кетди. Лагер командири ҳар биримиз билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашди. Паспортимиз ва пулларимизни эса олиб қўйишди. У бизга бу ерда ислом динини, даъватни ўрганишимизни айтди. Ҳақиқатдан ҳам, элликдан ортиқ киши тўплангач, бизни ўттиз кишилик гуруҳларга ажратиб, баланд тоғдаги Часув ва Девонасув лагерларига жўнатишди. Диний мураббий биз билан икки ҳафта машғулот ўтказди. Сўнг ҳарбий таълим бошланди. Уч ойдан сўнг ҳарбий тайёргарлик тугагач, биз лагерда қолиб уни қўриқлай бошладик. Лагерда ёзда яшаш чакки эмас, лекин қишда деярли ҳамма совуқдан ва овқат етишмаслигидан қийналади. Беморларни фельдшер даволайди, дори-дармон эса жуда кам. Йигитлар орасида норозилик ҳам бўлди, уйга кетишга рухсат беришни талаб қилишди. Шунда отрядни тўплашди. Хоит лагерининг командири келди. Уйга кетишга рухсат беришни талаб қилган кишини хоин деб аташди. Уни саф олдида тиз чўктириб, қўй каби сўйиб ташлашди. Норозиликка шу йўл билан чек қўйилди. Бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳар бири даҳшатга тушди”.

Ҳарбий тайёргарликни тожикча гаплашадиган инструкторлар ўтказишади, уларга таржимон ёрдам беради.

Лагерда ёши ва ҳаёт тажрибаси турлича кишилар яшайди. Олдин Жума Намангоний лагер командири экан, мен борганимда у йўқ эди. Лекин бу ерда кўп одамлар Жума Намангоний билан бирга яшайди, у Тожикистондаги фуқаролар уруши йилларида жанг қилган. Ҳозир улар Ўзбекистондан олиб келган оилалари билан бирга яшашади. Биз улар ҳақида кўп нарсани билмаймиз, чунки лагерда ортиқча гаплашилмайди. Аммо улар кўпни кўрган одамлар эканлиги равшан, қўлларидан қурол тушмайди. Чунки топиш-тутишлари қурол билан боғлиқ, урушсиз, жангсиз яшай олмайдиган бўлиб қолган улар. Бизга озиқ-овқатни қандай топиб келтиришганини билмаймиз. Вақти-вақти билан қуролли кишилар соқчилигида озиқ-овқат ортилган Камаз машиналари келади. Лекин таъминот мунтазам эмас. Шу сабабли вақти-вақти билан лагерда қуритилган мевалар билан овқатланилади ёки рўза тутилади. Диний мураббийлар Оллоҳ бизни синамоқда, сабр-қаноат мусулмонга хосдир, дейишади. Худди шундай пайтларда одамлар лагерлардан қочишади, қочоқларни ушлаб келиб, юқорида айтганимдек жазолашади ёки улар бедарак кетишади. Бу ердан қочиш мумкин эмас. Ягона йўлга постлар қўйилган, харита ва овқатсиз ҳалок бўласан. Тоғда йиртқич ҳайвонлар ҳам бор. Ҳарбий тайёргарликдан ўтган одамларни бир лагердан иккинчисига жўнатишади. Улар постда туришади, янги келган йигитларни кузатиб боришади ва ҳоказо. Бу ерда хизмат муддати йўқ, хизмат муддатсиз.

Тоғлардаги лагерларга янгиликлар янги келган кишилар орқали келади. Газета йўқ. Баъзан “Озодлик” ва “Би-Би-Си” овозини эшитиб қоламиз. Баъзан эса кимларнидир ота-онаси келиб, ўғлини қидираётгани ҳақида хабарлар келади. Лекин бундай қидирувлар нима билан тугагани бизга номаълумлигича қолаверади. Бир куни мени ҳам пастдаги лагерга чақиришди. Навбатдаги Камаз келганда, машинага тушиб Хоитга келдим. Маълум бўлишича, отам мени қидириб келган экан”.

Йигитларнинг Хоразмга қайтиш тарихи бир-бирига ўхшамайди. Ҳаёт тажрибаси кўпроқ бўлган Қодир лагердан қўйиб юбормасликларини тезда англаб етади. Саломатлиги яхши бўлмаган Қодир совуқдан касал бўлиб қолади. Ўзини яхшироқ ҳис этганда ҳам пастликдаги лагерга қайтиб, ҳукумат назорат қилиб турган ҳудудга ўтишга уриниб кўриш учун ўзини касалликка солади.

“Мени Хоитга олиб келишди. Ҳеч қандай дори-дармонсиз муолажа қилаётган фельдшер мени туман касалхонасидаги таниш врачга кўрсатмоқчи бўлди. Касалхона ҳукумат назорат қилиб турган ҳудудда жойлашган эди, ўша ердан қочишга муваффақ бўлдим”. Лагердан қочган яна икки йигитнинг кечмиши энди ҳаммага маълум. Қуролларини топшириб, ватани сари йўл олган йигитларнинг боши кесилган. Улар ўн етти киши эди.

Энди Олимнинг тарихига қайтайлик. У Хоит лагерида отаси билан учрашди. Отаси унга алданиб, жангарилар лагерларига келиб қолганлар ёки лагерга ўз ихтиёри билан келиб, жиноий йўлга ўтиб қолганини тушунганлар, айбини бўйнига олиб келса, кечирилишини айтади. “Лекин мен даҳшатга тушган эдим, отамнинг гапларига ишонгим келмас эди. Чунки йил давомида менга Ўзбекистонда динга ишонувчи тинч аҳолига қарши даҳшатли қатағон қилинаётгани тўғрисида кўп гапиришарди. Бизни, ҳарбий тайёргарликдан ўтган кишиларни эса юртимизда фақат ажал кутади, деб ўйлардим. Лекин адашиб келиб қолган жойдан қутулиб чиқишнинг бирдан-бир имкони борлигини тушунардим. Аммо, юқорида айтганимдек, бу ердан осонликча чиқиб кетиш қийин. Ҳатто отамни ҳам қўйиб юборишмади, шу ерда қолишни талаб қилишди. Лекин ёшини ҳурмат қилиб, жуда кўп шартларни бўйнига қўйиб, кетишга рухсат этишди. Мен эса қочишга тайёргарлик кўра бошладим. Хоитга бирга келган ҳамюрт дўстим ҳам бирга қочишга рози бўлди. Апрель ойида биз отамнинг қаерда автобусга ўтириш, қаерда чегарадан ўтиш мумкинлиги тўғрисидаги маълумоти ва берган пули ёрдамида Хоитдан қочдик. Жуда қўрқинчли эди, ҳаётимиз қил устида турарди. Лекин ортга йўл йўқ, чунки лагерда қолиш биз учун эртами-кеч ўлим билан баравар эди. Лагерда ҳаммамиз ўлимга маҳкумлигимизни тушунардим. Агар жиҳод бошланса, қўлларимиз қон бўлади ва бизни қариндош-уруғларимиз ҳам кечирмайди. Буйруққа бўйсунмасак эса жангари-террорчилар ўлдиради.

Хоразмга етиб келганимда барча қийинчиликлар ортда қолганига ишонгим келмасди. Биринчи кундаёқ мен ва дўстим оталаримиз билан айбимизни бўйнимизга олиб ички ишлар бўлимига келдик. Ҳозир биз эркинмиз. Эндиликда бизнинг муаммоларимиз бошқача. Биз ишлашимиз лозим”.

Қодир ҳозир ўзининг кичик устахонасида ишламоқда, уни кўп одамлар танийди, чунки айбига иқрор бўлиб милицияга келганида, телевидение суратга олаётган пайт эди. Вилоятнинг ҳамма томонидан одамлар бедарак йўқолган ўғилларининг суратларини кўрсатиб, мабодо, ўша томонларда кўрмадингми, деб сўраш учун Қодирни қидириб келишади. Бедарак йўқолганлар орасида эндигина 17 ёшга тўлган ёш йигитчалар кўп.

**Гулбаҳор ОТАНИЁЗОВА.**
**(ЎзА)**

*Мардлар қўриқлайди Ватанни*

## ҲАРБИЙ ЧАҚИРИҚҚАЧА:

# БОР БОРИЧА, ЙЎҚ ҲОЛИЧА

**Президентимизнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида «...кўп ҳолларда кундалик муаммолар, асосан моддий ташвишлар билан ўралашиб, давлатимиз, халқимиз бошидан кечираётган тарихий жараёнларни тўла англаб етолмаётганимизни сезиш мумкин» деган сатрлар бор. Ҳақиқатан ҳам «...баъзи бир хом хаёл, эскича фикрлайдиган одамларнинг назарида мамлакатимиздаги ижтимоий вазият, гўёки 80-йиллардан буён теп-текис, силлиқ, ҳеч қандай курашларсиз ўз йўли, ўз табиий оқими билан давом этиб келаётгандек туюлади». Аслида шундаймми? Йўқ. Буни билган билади, билмаган эса... Шунинг учун ҳам айримларнинг фикри ҳамон эскича, айни чоғда иши ҳам фикрига яраша. Сўзимнинг исботи тариқасида Нишон тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Ғофуржон Шодмонов билан бўлган суҳбатни келтириб ўтмоқчиман.**

— Сўнгги пайтда муқобил хизматда қолиши мумкин бўлган йигитлар ҳам ҳақиқий ҳарбий хизматни ихтиёр этишмоқда, — дейди у мамнуният билан.

— Нега?

— Йигитлик бурчини адо этиш, Ватан ҳимоячиси бўлиш. Сабаби шу.

Қалбимда фахр ҳислари жўш уради. Демак, мустақилликда кечган 8 йил бесамар кетмабди.

— Лекин тан олиш керак, — сўзида давом этади Ғофуржон Шодмонов, — мактабларда ёшларни чақириққача ўқитиш, таълим бериш яхши аҳволда эмас. Мисол учун айтай. Мавжуд 32 та мактабда чақириққача ёшларни тарбиялаш ўқитувчиларининг бир нафаригина шу соҳага тааллуқли олий маълумотга эга. Қолганлари заҳирадаги аскарлар, сержантлардан иборат. Шунга қарамай олий ҳарбий билим юртларида ўқишни хоҳловчилар йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, бу йил бултургига нисбатан талабгорлар икки баравар кўп бўлди.

Ғофуржон Шодмоновнинг гапларини тинглай туриб, фикр қиламан: бу ниманинг аломати? Назаримда, бу мустақиллик шарофати. Ҳа, шундай. Ёшлар Ватанимизда юз бераётган оламшумул бунёдкорлик ишларининг асл моҳиятини англаб етмоқдалар. Ана шу нарса уларнинг қалбига чўғ солмоқда. Ана шу нарса уларни Ватан ҳимоясини муқаддас билишга ундамоқда.

Хўш, улардаги ана шу интилиш, ана шу ҳаракат қандай қўллаб-қувватланаяпти? Уларга чақириққача қандай бошланғич ҳарбий таълим берилмоқда?

— 1997 йилдан бери ҳар йили мактабларда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларини ўтказиб келаяпмиз, — дейди Нишон туманидаги мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг раиси Жобир Яздонов. — Ўйинга ўзим бош ҳакамлик қиламан. Унда бу йил туманимиздаги 32 та ўрта мактабнинг 20 тасидан ўқувчилар қатнашишди. Ғолибликни қўлга киритган Акмал Икромов номли мактаб ўқувчилари вилоят миқёсида ҳам иккинчи ўринни эгаллашди.

Ўйин давомида шу нарса яққол билинаяптики, қаерда ўқитувчи билимли, тажрибали бўлса, ўша ерда ўқувчилар ҳарбий кўп кураш бўйича тасаввурга эга. Саволларга ҳам бийрон-бийрон жавоб қайтаришади. Мерганликда, спорт мусобақаларида маҳорат кўрсатишади. Саф тортиш, сафда юриш — барисини билишади. Афсуски, ҳамма мактабларда ҳам ана шундай эмас. Йўқса, 7 та мактабда замонавий тир бор. Умуман, стадион бор жойда ҳарбий кўп кураш бўйича машғулотлар ўтказиш мумкин. Бунга айтарли маблағ ҳам, бошқа нарсалар ҳам талаб қилинмайди. Бироқ мактабларда бу ишга қандайдир иккинчи даражали вазифа сифатида қарашади. Агарда бу иш яхши йўлга қўйилса, ёшларнинг нотўғри йўлга кириб кетишлари олди олинади. Ахир юрт туйғуси юрагидан жой олган, Ватаннинг ҳимоячиси эканлигини англаган ёшлар ақидапарастнинг гапига қулоқ соладими?

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, подполковник Абдукарим Назаров ҳам шундай фикрни айтди:

— Чақириққача ёшларни тайёрлаш мактабларда ўз ҳолига ташлаб қўйилган. — Ҳамкорлик қилишга, услубий тавсиялар беришга, техник тўгараклар очишга ҳамма вақт тайёрмиз. Шу масалада бизга ким мурожаат қилган бўлса, амалий ёрдам берганмиз, бераяпмиз ҳам. Масалан, Қарши шаҳридаги 25-мактаб чақириққача тарбиялаш ўқитувчиси Хуррам Азизов билан ҳамкорликда мактабда техник ҳарбий амалий кўп кураши, денгиз кўп курашиш бўйича тўгараклар очилди. Натижада шу мактаб ўқувчилари республика мусобақасида иккинчи ўринни олишди. Шунингдек, Қарши шаҳридаги 3-мактаб директори Турсун Маҳмудов ҳам шу соҳада биз билан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ҳа, ҳамма нарса интилишга, ҳаракатга боғлиқ. Айрим мактабларда, ҳатто чақириққача ёшларни тарбиялаш учун ажратилган хона дурустроқ жиҳозланмаган ҳам. Баҳона — маблағ йўқ. Ҳолбуки, бунга унча кўп маблағ ҳам керак бўлмас экан. А. Назаровнинг айтишича, автомобиль ҳайдовчилари мактабидаги кўпгина кўргазмали ўқув қуролларини курсантларнинг ўзлари тайёрлашибди.

— Яна бир нарса, — дейди Абдукарим ака, — биз ташкилотимизга аъзо бўлган ўқувчилар, талабаларнинг аъзолик бадалларини ўзларига қолдирамиз. Ана шу билан ҳам синф хоналарини бинойидай жиҳозлаш мумкин. Қолаверса, бизда ўқув машғулотлари олиб бориш учун ҳамма шароит, мутахассислар бор. Қарши шаҳри ўқувчиларини график асосида ўқитишимиз мумкин. Фақат халқ таълими бўлими раҳбарияти шунга қизиқса... Қолаверса, «Шунқорлар» ўйини дастурини такомиллаштириш керак. Бу масалада ҳам кўмакка тайёрмиз. Чақириққача ёшларни тарбиялаш ўқитувчилари учун қўлланмалар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларнинг Умумҳарбий низомлари, плакатлардан ҳам топиб берамиз.

Яхши таклиф. Хўш, Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармасида бу ишга муносабат қандай?

— 757 та мактаб, 26 та лицейда, — дейди Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси бош мутахассиси Ислом Қиёмов, — X-XI синф ўқувчиларига ҳафтасига 2 соатдан машғулот ўтказилади. Уларга чақириққача ёшларни тарбиялаш ўқитувчиси, мутахассислар таълим бермоқда.

Маълум бўлишича, Ислом Қиёмовнинг ўзига ҳам шу соҳа «юклатилган» бўлиб, ихтисоси бўйича физик экан.

— Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтида ҳам, — дейди Ислом Қиёмов, — шу соҳа бўйича биология ўқитувчиси, услубиётчи Ориф Чўлиев шуғулланади.

Юқорида айтилганларнинг ўзиёқ Қашқадарё вилоят мактабларида чақириққача ёшларни тарбиялашнинг аҳволи ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Агарда вилоят муқобил хизмат бошлиғи Арал Пирназаровнинг гапини тингласангиз, айрим мактаблардаги чақириққача ёшларни тарбиялашдаги ўзибўларчилик таъсири, унинг оқибати ҳақида ўйлаб қоласиз.

— Ҳар чақириқда анчагина йигитлар муқобил хизматга олинади, — дейди Арал Пирназаров. — Улар бизга иш жойидан тегишли ҳужжатларни тақдим қилишади, шартнома тузишади. Шунга кўра биз ҳар чақириқда муқобил хизматни адо этувчилар билан 42 соатлик машғулот олиб борамиз. Умуман, биз ўзимизга тегишли ишларни бажарамиз. Лекин уларнинг айримлари пулини тўлашга келганда бўйин товлашади. Шу туфайли 1993 йилдан бери анчагина маблағ тўланмай келинмоқда. Масалан, Деҳқонобод тумани бўйича 3 миллион 398 минг сўм, Қамаши тумани бўйича 1 миллион 800 минг сўм, Яккабоғ тумани бўйича 1 миллион 200 минг сўм пул тўлангани йўқ. Бу ҳақда тегишли идораларга мурожаат қилдик. Лекин натижа чиқмаяпти.

Ғофуржон Шодмонов мамнуният билан тилга олганидек, ҳозир Нишон туманида ёшлар ўртасида ҳарбий хизматни ташлаб келиш ёки ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ҳолатлари йўқ. Аксинча ёшлар, уларнинг ота-оналари ўғилларининг армияга чақирилишини илтимос қилишади. Нега? Чунки ҳарбийда ёшлар ҳар жиҳатдан чиниқади, пишади. Онги, фикрлаш тарзи ҳам ўзгаради. Жисмонан етилади. Қийинчиликларни енгиб ўтишга одатланади. Тартибга, қоидага ўрганади. Бу масаланинг бир томони. Энг муҳими шуки, энди ҳар бир йигитнинг онгига «Мен Ватан ҳимоячисиман. Демак, ҳарбий хизматни адо этишим, Ватаним олдидаги бурчимни бажаришим керак» деган тушунча сингиб бормоқда. Бу эса, энг аввало, ўтган саккиз йиллик озод ва эркин ҳаётимизнинг ҳосиласи деб ўйлайман. Албатта, заҳирадаги зобитлар билан мактабларда учрашувлар уюштириш катта аҳамиятга эга бўлаяпти. Қолаверса, Қашқадарё вилоятида қарор топган бир анъана ҳам ёшларда Ватанимиз қудратига қудрат қўшишга рағбатлантирмоқда. У ҳам бўлса, «Наврўз» жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи Низом Бегматов томонидан ҳар йили ойма-ой республикамизнинг турли жойларидаги ҳарбий қисмларга ота-оналарнинг сафарини уюштириш мунтазам йўлга қўйилганлигидир. Бу ота-оналарнинг ҳарбий хизматдаги ўғиллари билан шунчаки дийдорлашуви эмас. Бу ўғилнинг ота-онаси, қишлоғи, тумани, вилояти — Ватани олдидаги ўзига хос ҳисоботи ҳамдир. Ҳозир вилоятда қайси тумандан борган қайси йигит қандай ютуққа эришибди? Қайси туман мудофаа бўлимига ҳарбий қисмлардан қанча ташаккурнома келибди, қабилидаги саволлар, сўраб суриштиришлар одат тусига кирган. Шундай бўлгач, ўз-ўзидан



аёнки, йигитлар Ватан олдидаги бурчини шараф билан адо этишга интиладилар. Асосийси, Ватаннинг нима эканлигини англайдилар, керак бўлса, унинг учун жонни ҳам фидо қилишга тайёр турадилар.

Хуллас, ҳали бу соҳада бажарилиши лозим бўлган вазифалар талайгина. Уларни ҳал этишни пайсалга солиш асло мумкин эмас. Шунда мактабларда чақириққача ўқувчиларни тарбиялаш собиқ аскар ёки сержантга топшириб қўйилмасди. Ўспиринлар нос тупуриб, сигарет тутатиб юришига чек қўйиб, ҳақиқий «Шунқорлар» ўйини билан машғул бўлардилар. Қандайдир ақидапарастнинг гапига қулоқ солишга уларнинг вақти ҳам бўлмасди, вақти бўлганда ҳам боплаб адабини бериб қўярдилар. Бунинг учун бор борича, йўқ ҳолича иш тутмасдан, чақириққача ёшларни тарбиялаш ишига шу кун талабидан келиб чиқиб, муносабатда бўлиш керак. Бу эса Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлиги, чегараларимиз мустаҳкамлиги, ҳаётимиз осойишталиги гаровидир.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Теннис: Дэвис кубоги*

# ЮЗ ЁШЛИ МУСОБАҚА

**Бугун теннис бўйича мамлакатимиз терма жамоаси Дэвис кубоги мусобақаларининг навбатдаги босқичида чехиялик спортчиларга қарши кортга тушади**



Ҳар йили терма жамоалар ўртасида ўтказиладиган дунёдаги энг йирик теннис мусобақаларидан бири — Дэвис кубоги 2000 йилда ўзининг 100 йиллик юбилейини нишонлайди. Асримиз бошида ушбу мусобақаларга асос солган Гарвард университети талабаси Дуайт Дэвис орадан шунча вақт ўтиб, мазкур тадбир бунчалик кенг қанот ёзишини, шуҳрат қозонишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Дэвис кубогининг



дастлабки беллашувида иккита мамлакат — АҚШ ва Буюк Британия иштирок этган бўлса, ҳозирда антиқа кумуш соврин учун қарийб 130 та давлат вакиллари куч синашади. Турнирнинг бутун тарихи мобайнида тўққизта мамлакат ғолибларнинг фахрли рўйхатидан ўрин олган.

Дэвис кумуш салат идишини қўлга киритиш ҳар қандай мамлакат учун ўзига хос нуфуз саналади. Шунинг учун ҳам ҳар йили турнир бошланиши олдидан жаҳон гуруҳи таркибига кирадиган 16 та давлатнинг ҳар бири ғолиб бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Минтақавий гуруҳлар вакиллари ҳам бундай ниятдан ҳоли эмас.

Республикамиз катта ракетка усталари ҳам ушбу нуфузли турнирда қатнашаётган энг кенжа жамоалардан бири бўлишига қарамай, йилдан йилга тобора муваффақиятли иштирок этишмоқда. Айниқса, 1999 йил теннисчиларимиз учун омадли келди. Улар дастлаб Тошкентда покистонлик тенгдошларини мағлуб этишгач, Японияда кунчиқар мамлакат вакилларидан устун келишди. Ва шу тариқа Осиё-Океания минтақасига кирувчи I гуруҳ ғолибларидан бири сифатида навбатдаги босқич — жаҳон лигасига ўтиш учун саралаш ўйинларига йўлланма олишган эди.

Ана шу саралаш мусобақасида мамлакатимиз терма жамоаси 24-26 сентябрь кунлари чехиялик катта ракетка усталари билан ўзаро беллашади. Тўғри, Чехия терма жамоаси тажриба ва маҳорат жиҳатидан вакилларимиздан анча устун. Жамоа аъзоларининг рейтинг кўрсаткичи ҳам бизникилардан юқори — Иржи Новак 36, Даниел Вацек 70, Богдан Улирах 80 поғонани банд этишган. Аммо Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценко сингари жамоамиз аъзоларининг ҳозирда маҳоратлари анча ошганлиги, яхши спорт формасида эканлиги, бунинг устига беллашувлар Тошкентда бўлиб ўтишини ҳисобга олсак, имкониятлар деярли тенг эканлиги ойдинлашади. Ана шу масъулиятли беллашувда вакилларимизга омад тилаймиз.

**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚАҲРАМОНЛАР УНУТИЛМАЙДИ

Урганч шаҳридаги Огаҳий номли вилоят театрида улуғ саркарда, юрт озодлиги ва эрки учун курашган қаҳрамон Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган бадиий тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари театрлари, бадиий жамоалари томонидан тайёрланиб келинган саркарда ҳаёти ва фаолиятига бағишланган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Эътиборли жиҳати, ушбу дастурларнинг энг саралари республикамиз миқёсида ўтказиладиган Жалолиддин Мангуберди таваллуди танталарида намойиш этилади. Юбилейга бағишланган саҳна асарларини танлашда таниқли режиссёр Рустам Ҳамидов иштирок этди.

**Ф. ЖУМАЕВА.**

*Ҳиммат*

## ШОДЛИКЛАРИ БИР ОЛАМ

Андижонда «Тожметалл» корхонаси бор. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик билан топилган даромаднинг бир қисми ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш учун сарфланаяпти. Яқинда уларнинг фарзандлари учун юз минг сўмликдан зиёд дарслик сотиб олинди ва бепул туҳфа қилинди. Бу савоб иш шаҳардаги ўнлаб меҳнат жамоалари, фирма ва кичик корхоналарда ҳам акс-садо берди. Жумладан, «Андижонсут», «Андижонмой» ҳиссадорлик жамиятлари, 2511-автокорхона, «Холис» фирмаси ўз ҳисобидан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига дарсликлар сотиб олиш учун кўплаб миқдорда маблағ ажратди.

Бундай ҳимматдан ота-оналар ва уларнинг ўғил-қизлари беҳад мамнун.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

**6 ойлик тайёрлов курсларига қабул эълон қилади.**

Курсларда физика, математика, рус ва инглиз тили фанлари бўйича малакали ўқитувчилар чуқурлаштирилган дастурлар бўйича дарс олиб борадилар. Ўқишлар тест синовларига асосланган ҳолда олиб борилади ва 1996-1999 йиллардаги тестларни тўла ўз ичига олади.

*Машғулотлар 1999 йил 1 ноябрда бошланади.*

Машғулотларга қатнашишни истовчилар ҳар жума кунлари 9.00 дан 16.00 гача қуйидаги манзилда йиғилишлари мумкин.



®/2159

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 108-уй. Маълумот учун телефонлар: 35-97-91 (*кундузги*), 23-02-35 (*кечқурун ва дам олиш куни*).

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭНГ ЙИРИК ҚОҒОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ

«ЎЗБЕК ҚОҒОЗИ»

ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА, ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

- ёзув қоғозлари, формати А4, А3;
- ўров қоғозлари, 60 гр, 80 гр.;
- қадоқлаш картонлари (ўрама), 350 гр/м2, 400 гр/м2;
- қутилар ясаш учун картонлар (тахламли);
- гофрокартон тахламлари;
- қоғоз–тола плиталари;
- хўжаликда ишлатиладиган (озиқ–овқат учун мўлжалланмаган) ўрама қоғозлар;
- ёпиш учун картонлар (кровель);
- обойлар (девор нақши қоғозлари);
- блокнотлар ва бошқа қоғоз маҳсулотлари.

Тўловлар турлича.

Манзил: Тошкент шаҳри–5, Фарғона йўли кўчаси, 23.

Тел.: (371) 191–65–95, 191–65–88.

®/2157

ТОШКЕНТ ЕНГИЛ МЕТАЛЛОКОНСТРУКЦИЯЛАР ТАЖРИБА ЗАВОДИ ЖАМОА КОРХОНАСИГА ЗУДЛИК БИЛАН ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ:

Қўлда пайвандловчи ЭЛЕКТРПАЙВАНДЧИЛАР, ярим автомат машиналарда ишловчи ЭЛЕКТРПАЙВАНДЧИЛАР.

Ҳақ тўлаш ишбай-мукофотли, ўртача иш ҳақи 30000 сўм.

Олий маълумотли МУҲАНДИС-КОНСТРУКТОР маош-оклади 15000 сўм.

Манзил: 700073, Тошкент ш, Жарқўрғон к.,22-а.

Автобуслар: 15,106,26

Тел.: 96-68-50, 96-57-40.

Ш.@2146

«Муштум» журнали жамоаси журналнинг собиқ бош муҳаррир ўринбосари, ёзувчи Олим Кўчқорбековга волидаи муҳтарамаси

**МАПУРА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар давлат солиқ Бош бошқармаси касаба уюшма қўмитаси ҳамда жамоаси, Юнусобод тумани ДСИ бўлим бошлиғи Баҳтиёр Исмоиловга укаси

**Баҳодир ИСМОИЛОВнинг**

фожеали вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент электротехника алоқа институти жамоаси ва касаба уюшмаси «Олий математика» кафедрасининг мудири Ришад Усмоновга падари бузруквори

**НИЁЗБЕК отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0726, 23709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — М. САФАРОВ.
Навбатчи — А. ЖЎРАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 23.20*
1 2 3 4 5 6